



ҲЕЧ БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 28 июль куни Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйида яратилган шароитлар билан танишди.

Мамлакатимизда ота-онасидан ажраган, меҳр-ғама муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши ва жамиятда муносиб ўрнини топиши учун қўмаклашиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом оила қуришга масъулият билан ёндашишни тарғиб қилиш, оилавий қадриятларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш ижтимоий сиёсатимизнинг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Чунки ҳар бир гўдак бу ёруғ дунёга келар экан, унга ҳам бошқалар каби ота-онаси бағрида яйраб ўсиш, бахтли-саодатли ҳаётни таъминлаш давлатимиз, жамиятимиз зиммасидаги энг муқаддас бурчдир.

Президентимиз шу мақсадда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйига таширф давомида ушбу муассаса фаолияти мисолида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизmlарини такомиллаштириш юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимиздаги 16 та Меҳрибонлик уйининг 4 таси Тошкент шаҳрида жойлашган. 21-сонли Меҳрибонлик уйи 1992 йили ташкил этилган бўлиб, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 122 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг 47 нафари етим, 75 нафари ижтимоий етим болалардир.

Муассасада тарбияланувчиларнинг билим олиши, оила муҳитини ҳис этиб ўлғайиши ва мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши учун барча шароитлар яратилган. Таълим жараёнига малакали ўқитувчилар, психолог,

логопед, дефектологлар жалб қилинган. Робототехника, ментал арифметика, сартарошлик, пазандалик, тикувчилик тўғараклари тарбияланувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиши, муайян соҳа бўйича иқтидорини шакллантиришида муҳим омил бўлмоқда. Спорт машғулотларида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга республика ва халқаро мусобақаларда совриндор ҳам бўлмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Меҳрибонлик уйида Рўзгор академияси ташкил этилган. Бу академияда болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун машғулотлар олиб борилади.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, болаларнинг машғулотларини кўздан кечирди.

Президент муассаса тарбияланувчилари билан мулоқот қилди.

— Бугун келишимиздан мақсад сизлар билан кўришиб, сизларнинг тимсолингизда барча тарбияланувчилар учун шароитларни бундан-да яхшилаш, илоҳи борица, оиладагидек муҳит, тарбия ташкил қилиш. Ҳамма билан тенг бўлиб таълим-тарбия олишингиз, олийгоҳларда ўқиб, касб эгаллашингиз, уй ва иш билан таъминланиб, ҳаётда муносиб ўрин топишингиз учун имкониятлар яратамиз. Шуни билингларики, сизларнинг ота-онанинг,

Ватанингиз бор. Давлат сизларни ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмайди. — деди Президент.

Меҳрибонлик уйида шароитлар яхши. Лекин болалар билан яқка тартибда ишлаш, уларни касбга йўналтириш талаб даражасида эмас. Тарбияланувчиларнинг 18 ёшдан кейинги мустақил ҳаёти, олий маълумот олиши ва бандлигига қўмаклашувчи масъул идора йўқ.

Шу боис, давлатимиз раҳбари барча Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъуллигига ўтказиш таклифини билдирди.

— Бу муассасаларнинг моддий ҳомиёси бор, маънавий ҳомиё керак. Бу ҳам савоб, ҳам керакли иш. — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда Меҳрибонлик уйлари ва 4 та Болалар шаҳарчасида 1 минг 823 нафар ўғил-қиз яшаб, ўқимоқда. 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг 363 нафар бола тарбияланмоқда. Ушбу муассасалар, синов тариқасида, Миллий гвардия масъуллигига ўтказилиши белгиланди.

Болаларга ихтисослашган таълим бериш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича методика яратиш вазифаси қўйилди. Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни фан, санъат ва спорт ташкилотлари билан боғлаб, тарбияланувчиларнинг қобилиятини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

**М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлашнинг бир неча тузилмалари йўлга қўйилган. 13 та Болалар уйида 560 нафар, 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчасида 1 минг 823 нафар, 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг нафар ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 79 минг нафар болалар ҳомиёлик, васийлик ва оила патронати қарамоғига олинган.

Йиғилишда мазкур муассасалардаги ёшларнинг таълим-тарбияси, уй ва иш билан таъминланиш даражаси таҳлил қилинди.

Сўнгги ўн йилда Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларининг 51 фоизига уй-жой ажратилган. Меҳрибонлик уйларида чиққан йигит-қизларнинг 64 фоизи иш билан таъминланган. Таълим-тарбия сифати ҳам юқори эмас.

Давлатимиз раҳбари Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш, билим ва маънавиятни, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш заруригини таъкидлади.

Шу мақсадда бу борада янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчаларидаги ёшларнинг таълим-тарбиясига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул бўлади. Бунинг учун қўмондон ўринбосари лавозими жорий этилиб, алоҳида бошқарма ташкил этилади.

Меҳрибонлик уйларидаги болаларга сабоқ бериш, уларни ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича янги методикалар ишлаб чиқилади. 14 ёшдан юқори ўғил-қизларни энг талаб юқори касбларга ўргатиш йўлга қўйилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги ҳар бир Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасига олий ўқув юрти ҳамда спорт мактабларини бириктириш вазифаси қўйилди. Улар томонидан фан ва спорт тўғараклари ташкил этилади, бунга жалб этилган устозларга устама тўланади.

Бундан ташқари, шароити оғир бўлган Меҳрибонлик уйлари Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимликлари томонидан оталиққа олинади.

Бугунги кунда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 17 фоизи чин етимлар, қолган 83 фоизи эса ота-онаси ёки яқин қариндошлари воз кечган болалар ҳисобланади. Бундай оилаларга моддий ёрдам бериш орқали аксарият болаларни ўз оиласи бағрига қайтариш мумкинлиги айтилди.

Васийлик ва ҳомиёлик органларида 79 минг бола рўйхатда туради, шундан 35 минг нафари фарзандликка олинган. Лекин, улар билан шуғулланиш учун туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларида битта ходим бириктирилган.

Бу етарли эмаслиги таъкидланиб, ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигида Васийлик, ҳомиёлик ва патронат ишлари бўлими ташкил этилиши ҳамда уларга 4 нафардан штат ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, Миллий гвардия, мактабгача таълим, халқ таълими, маҳалла ва сектор вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилади. Уларга васийлик, ҳомиёлик ва патронатга олинган болаларнинг аҳоли, оилавий шароитидан ҳар ҳафта хабар олиш юклатилади.

Васийлик, ҳомиёлик ва патронатга олинган болалар 18 ёшга тўлгунча қадар улар учун маҳаллий бюджетдан 1 миллион 200 минг сўм, ногиронлиги бўлганларга эса республика бюджетидан 2 миллион 500 минг сўм тўланади. Ногиронлиги бўлган болаларни ўз қарамоғига олган оилаларга уларнинг парварishi даврини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартиби жорий этилади.

Шу йил 1 сентябрдан бошлаб нафақа миқдори оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача узайтирилади.

Бундан ташқари, “темир дафтар”га кирган оилалар фарзандлари, шунингдек, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган болаларга мактабга чиқиши учун 500 минг сўмдан берилади.

Васийлик, ҳомиёлик ва патронатга олинганлар ҳам олий ўқув юртига киришда Меҳрибонлик уйлари битирувчилари учун ажратилган қўшимча квотадан фойдаланадилар.

Президентимиз Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Жумладан, 18 ёшга тўлган, уй-жойга муҳтож етим болаларга янги қурилган уй-жойлар бепул ажратилди. Бунинг учун жорий йилда бюджетдан 120 миллиард сўм йўналтирилади.

Яна бир янгилик — етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган иқтидорли талабалар стипендияси 50 фоизга оширилади. Шунингдек, бундан талабаларга пенсия тўлаш муддати амалдаги 18 ёшдан 23 ёшгача узайтирилади. Уларга зарур адабиётлар сотиб олиши учун ҳар йили бир марта 1 миллион 200 минг сўм субсидия берилади.

Йиғилишда ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш ва даволаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари бундай болаларни зарур тиббий восита ва аравачалар билан таъминлаш, жарроҳлик операциялари ўтказиш, имплантлар ва протез ўрнатилиш учун қўшимча маблағ ажратилишига кўрсатма берди.

Шунингдек, ихтисослашган мактабларга йирик корхоналар ва кластерларни бириктириб, шароитларни яхшилаш мумкинлиги қайд этилди.

Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ўрнига Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ташкил этилиши, ҳудудий комиссияларга эса вилоят ҳокимлари раҳбарлиги қилиниши белгиланди.

— Ота-она меҳридан маҳрум ва ногиронлиги бор болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялаш барчамиздан жиддий эътибор ва амалий ҳаракатларни талаб қилади. Бирорта бола “мен етим ёки ногиронман” деб ўқсинмаслиги, давлатимиз ва жамиятимизнинг меҳридан четда қолмаслиги керак. Уларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, барча шароитларни яратиб бериш нафақат вазифа, балки муқаддас бурчдир. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, ишимизда албатта натижа бўлади. Фарзандларимизга қилган ҳар бир яхшилигимиз ўн яхшилик бўлиб қайтади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда мутасаддилар, педагог ва ёшлар муҳожама қилинган масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошқоралик, адолатлилик ва шаффофлик таъминлаш асосида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш, ордер бериш механизмни такомиллаштириш ва тўлиқ рақамлаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур қарорга 1-иловада рўйхати келтирилган давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган муассасалар) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилинади ва молиялаштиришнинг янги механизми асосида уларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволашишга йўллашнинг электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) жорий этилади.

Белгилансинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ихтисослаштирилган муассасаларга даволашига йўллашда:

касаликнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб ахборот тизими орқали навбатда туришнинг шаффоф механизмлари татбиқ этилади;

кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар тоифасига кирувчи фуқаролар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига мувофиқ аниқланади;

беморларга ўзларининг сўровлари, мурожаатлари ҳамда навбати ҳақидаги ахборотни реал вақт режимда олиш имконияти таъминланади;

беморларга, уларнинг касаллигига мувофиқ ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишларини таъминлайдиган, тиббий хизматнинг қиймати кўрсатилган ҳамда матрицали штрих код (QR-код) га эга бўлган йўлланма (кейинги ўринларда — йўлланма) берилади;

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

БУХОРО ВИЛОЯТИ: ИСЛОҲОТЛАР ШУКУҲИДА ЯНГИЛАНАЁТГАН ОБОД ВА ТАБАРРУК ЗАМИН

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини турли соҳаларда ўзига хос ютуқлар билан кўтаринки кайфиятда нишонлашга қизгин тараддуд кўрмоқда. Жумладан, вилоятимиз аҳли ҳам бу қутлуғ шодиёнани муҳим ютуқлар билан кутиб олишга ҳозирланаётир.

► Давоми 4-5-бетларда



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

йўлланма ахборот тизимида **автоматик тарзда шакллантирилади** ва давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради;

бемор даволанганидан сўнг Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси даволаган муассасага **базавий нархлар** доирасида беморга кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофиқ, сарфланган маблағни Давлат бюджети ҳисобидан ўтказиб беради;

б) қуйидагилар:
2021 йил 1 ноябрдан бошлаб республика иختисослаштирилган **кўз микрохирургияси ва урология;**

2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия ҳамда акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан** кўрсатилишига рўхсат берилсин.

Белгилансинки:
имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббий хизмат кўрсатадиган Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартномаси мавжуд давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларини ўз **хоҳишига кўра эркин танлаш ҳуқуқига** эга бўлади;
имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатувичи нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйиладиган **талаблар** Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузиладиган **шартнома асосида базавий нархлардан** келиб чиқиб, амалга оширилади;

в) амалдаги ордер бериш тартибига асосан расмийлаштирилган ордерлардан **2022 йилнинг 1 январига** қадар **фойдаланиш мумкин**;

г) **2022 йил 1 январдан** бошлаб мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ давлат тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш ҳамда уларнинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини, ажратилган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлигини назорат қилиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади.

3. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига **қўшимча 8 та штат бирлиги** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирикчалари сонини қисқартириш тўғрисида”ги ПҚ—5053-сон қарорига мувофиқ мақбуллаштирилган штат бирикчалари ҳисобидан ажратилсин.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

КЕЛАЖАК УЧУН БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ

Бир инсоннинг дунёга келиши — буюк ҳодиса. Шунинг учун ҳам ота-онани қутлаш баробарида чақалок ҳам дуо қилинади: “фарзандингиз бахтли-саодатли бўлсин”, “узoқ умр кўрсин”, “эл-юртга нафи тегадиган солиҳ ўғил-қиз бўлсин”, “ота-онали улғайсин”. Бироқ шундай тақдирлар ҳам борки, улар болалиқданoқ турли сабаларга кўра, ота-она меҳри ўрнига соғинч ҳиссини туяди, оила деган кўрғон бағрида униб-ўсиш саодатидан мосуво бўлади.

Кечаги кун пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи жамоаси, яъни тарбиячиларнинг ҳам, тарбияланувчиларнинг ҳам хотирасида қувончли кун сифатида бир умрга муҳрланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу муассасага ташриф буюриб, мавжуд шaroитларни кўздан кечирди. Тарбияланувчилар билан дилдан сўхбат қўриб, келажакка қадам қўлиш арафасида турган ёшлар руҳини кўтарди.

Айни пайтда мамлакатимизда 16 та Меҳрибонлик уйи, 4 та Болалар шахарчаси мавжуд. Шундан 4 та Меҳрибонлик уйи Тошкент шаҳрида жойлашган.

Пойтахтимизнинг Юнусoбoд туманидаги 21-Меҳрибонлик уйида 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 122 ўғил-қиз таълим-тарбия оломқда. Уларнинг билим олиши ва мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши учун барча шaroитлар яратилган. Таълим жараёнига умумтаълим фанлари ўқитувчиларидан ташқари қўшимча тарзда психолог, логопед, дефектолог ҳамда тўғарақ машғулoтлари олиб бoрувчи мутахассислар жалб этилган.



Ёшларнинг орзуси ушалди

Меҳрибонлик уйи ҳовлисида бизни қарши олган йигитнинг исми Исфандиёр экан. Унинг кўзларида қувонч порлаб, oвозида мамнунлик янгради.

— Бугун ҳаётимдаги энг қувончли кун, — дейди у. — Чунки Президентимиз кўмаги билан муддатидан аввал Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси бўлдим. Жуда ҳаяжондан, ҳаракатларим, интилишларим бежиз кетмаганидан хурсандман.

2003 йил Жиззах шаҳрида туғилганман. Ота-онам ўзарo келишoлмай ажрашди. Отам Кореяга, онам Дубайга кетди. Опам ва синглим билан кўчада қолдик. Қариндошларимиз бизни Меҳрибонлик уйига топширди. Бу ерга келганимга 7 йил бўлди. Ўзимни ўз уйимдагидек ҳис қиламан. Ҳозир 11-синфни битирдим. Болалигимдан режиссёрликка қизиқаман. Меҳрибонлик уйида ўтказиладиган ҳар бир тадбирда иштирок этиб келаман. Шу иштиёқ

туфайли ҳужжатларимни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига топширдим. Имтиҳон яқин. Яхши ўқидим, институтга кириш учун пухта тайёргарлик кўрдим. Бироқ ўша кўнни ўйласам, қаттиқ ҳаяжонга тушаман. “Кира олмасам нима бўлади?” деган кўркүв тинчлик бермаётган эди. Чунки мен, албатта, ўқийшим, келажакимни ўз қўлим билан бунёд қилишим шарт. Давлатимиз раҳбари биз билан суҳбатда орзуларимиз, келажакдаги мақсадларимиз ҳақида ҳам сўради. Мен орзуларим ҳақида сўзлаб бердим.

Президентимиз давлат бюджети асосида институтига қабул қилинишим ҳақида айтди. Нима қилишни, нима дейишни билмай қолдим. Бу тушга ўхшарди. Биз каби болаларнинг ҳаёти Президентимиз учун аҳамиятли экани мен учун жуда катта қувонч, жуда катта ҳодиса. Бўни сўз билан таърифлаб беролмайман. Фақат айтишим мумкинки, мен мамлакатимга садоқатим, миллатимга нафим орқали Президентим билдирган ишончини, албатта, оқлайман.

Меҳрибонлик уйининг айна бир тарбияланувчиси Милена Новосенова ҳам муддатидан аввал Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси бўлди. Миленанинг айтишича, у болалигидан психолог бўлишни орзу қилган. Орзу мақсадга дўниб, Милена ҳужжатларини айни шу йўналиш бўйича топширган эди. Сўзга чечан Миленанинг қувонч тўла кўз ёшларини қўриб, унинг етук психолог бўлишига, ўзи каби кўнгли кемтик бола-жонларнинг дардига малҳам бўла олишига ишонгимиз келди.

Зайнабнинг шеъри олқш олди

Зайнаб 8 ёшда. 1-синфни битирди. У “Меҳр-2” операцияси доирасида Суриядан Ўзбекистонга келтирилган. Оиладаги 5 нафар фарзанднинг барчаси мана шу муассаса тарбияланувчиси. Қизалоқ митти юрагида катта-катта ҳайратларни кўтариб юрибди.



Ўзбек элим – бек элим, Сенга насиб эрп, элим. Пешона ҳасиди нур тегиб, Қамол топсин бахт эмиб. Ўзининг ўз туғинг бор, Мустанқиллик чоғинг бор. Бобом Темур суйган халқ, Дунё узра яйра, балқ.

У Президентга мана шу шеърини ўқиб берди. Эътироф ва олқш олди. Президент совғасидан эса кўнгли тоғдек кўтарилди.

Зайнабнинг сеvimли машғулоти — китоб ўқиш. Бўш вақтларида тарбиячи Дилноза Холиқулова ердамда шеърлар ёд олади.

Дилноза она 5 йилдан бўён Меҳрибонлик уйида тарбиячи сифатида фаолият юритмоқда.

— Давлатимиз раҳбари биздан иш фаолиятимизда қандай муаммолар борлигини сўради, тақдирларимиз билан қизиқди, — дейди Д.Холиқулова. — Муассасамизда астойдил ишлашимиз учун шaroитлар яратилган, бироқ методик кулланмалар кам. Шундан қийналамиз. Президентимиз тақлифимизни инобатга олиб, бу муаммо бартараф этилишини айтди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов), Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси (В.Фен) билан биргаликда Корея Республикасининг етакчи илмий ва тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда онкология, гематология, радиология, клиник иммунология, юқори технологик трансфузиология, лаборатория ва бошқа йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малякасини оширишни ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг **2021 йил 1 августдан** бошлаб онкология, онкогематология ва гематология муассасаларининг паллиатив ёрдам кўрсатиш бўлимлари шифокорлари, ўрта ва кичик тиббиёт ҳодимлари лавозим маошига меҳнатнинг соғлиқ учун ўта хавфли шaroитлари учун **25 фoиз** миқдорида **ҳар ойлик устама ҳақ тўлаш** ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳoқимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 январдан** бошлаб бoсқичма-бoсқич:

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг **46** та туғуруқ бўлимлари негизида 4-иловага мувофиқ туманлараро перинатал марказларни амалдаги штатлар доирасида ташкил этиш;

оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болалар учун ҳудудларда самарали перинатал, неонатал ва педиатрик хизматларни олиш имкониятини яратиш; минтақавий перинатал марказларни тақомиллаштириш ва 3-даражали акушерлик муассасаларини белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлаш чoраларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафаев) билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар халқаро молия ташкилотларининг кредит маблағларини мақбуллаштириш ҳисoбига республикадаги туғуруққа ёрдам берувчи муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказсин.

11. **Соғлиқни сақлаш соҳасида иختисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев):
а) 2021 йил 1 сентябрга қадар:
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга республика миқёсида тиббий хизматларни кўрсатиш, уларнинг мурoжаатларини қабул қилиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этишга мўлжалланган ягона қисқа рақамли бeпoл **“тeзқoр aлoқa”**ни йўлга қўйсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 июль

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари биноларида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва иختисослаштирилган муассасаларнинг **расмий веб-сайтларида** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қoлланадиган тиббий ёрдамнинг ҳажмлари, иختисослаштирилган бeпoл тиббий ёрдамни кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги **маълумoтларни жойлаштириш** ҳамда тарғибoт материалларини тарқатиш чoраларини кўрсин;

б) **2021 йил 1 октябрдан** бошлаб иختисослаштирилган муассасаларнинг **расмий веб-сайтларида** бўлимлар кесимида мавжуд ўринлар сони, шу жумладан, бўш ўринлар сони, кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари ва нархлари **жойлаштирилишини** ва мунтазам **англианиб бoрилишини** таъминласин;

в) Ахборот ва oммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон oммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳoқимликлари билан ҳамкорликда иختисослаштирилган муассасаларда имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш бўйича жорий этилаётган механизмларнинг мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка oммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, **матбoт аnжуманлари, брифинглар, прeсс-клуб муoқaмaлaрини** ташкил этиш орқали тезқoр eтказилиши, тушунтирилиши ва кeнг ёритилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгaртириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ўшбo қарoрдан кeлиб чиқадиган ўзгaртириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Ўшбo қарoрининг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавoбгар этиб соғлиқни сақлаш вазирини **А.М.Хаджибаев, унинг ўринбoсарлари А.Ш.Иноятoв, А.А.Азизoв, У.Ю.Сoбиpoв, Э.И.Баситханoвa**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳoқимлари белгилансин.

Қарoрининг ўз вақтида ва натижалли ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбoсари **Б.А.Мусaeв** ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбoсари **Л.Н.Тўйчиeв** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чoра-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар чoрака**да Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бeриб бoрилсин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

боис, тинчликнинг нима эканини мурғак қалби билан жуда яхши илғайди. Иншони кўзимда ёш билан ўқидим. Хадича Президент мактабига имтиҳон топширди. Кириб олса, бу бизга катта қувонч келтиради.


Болалар “Рўзғор академияси”да касб ўрганади

Юртимизда ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳуқуқмат эътиборида. Бўни айни пайтдаги ислохотлар орқали кўриб, ҳис қилиб туришимиз. Шу маънода, 21-Меҳрибонлик уйида келажакда жамиятга мослашиб кетишида уларнинг ҳунар ўрганишлари, уй юмушларини билишлари учун “Рўзғор академияси” ташкил этилган. Кичик “академия”да ўғил-қизлар таомлар тайёрлашни ўрганади, сартарошлик, тикувчилик сирлари билан танишади.

— Нафақат қизлар, балки ўғил болалар ҳам тикувчиликка қизиқади, — дейди “Рўзғор академияси” қошидаги тикувчилик тўғрисида раҳбари Шохида Бобоназарова. — Дастлаб тўғри чок тикишни ўргатаман. Рўмол ва дастрўмол, фартук чокларини қайириб тикиш болаларга қийинчилик туғдирмайди. Бошланғич мактаб ёшларига болалар бисер тикиш ва ўйинчоқлар ясашга жалб этилади. Чунки уларнинг хавфсизлиги — энг муҳим жиҳат. Юқори синф қизлари тиккан либослардан турли тадбирларимизда фойдаланамиз.

Аспида, боланинг беғонаси бўлмайди. Улар бола бўлгани учун ҳам бахтли бўлишга ҳақли. Митти юраклари дунёни борича кўради, унинг юзидagi доғларни илғамайди. Бироқ Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг акаси ана шу изтиробни кўрган, ҳис қилган. Бугун мамлакатимиз раҳбари бошчилигида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва меҳрибонликлар уларнинг ҳаётини яхшилашга, қалбдаги кемтикни бутлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Зеро, Президентимизнинг ўзи таъкидлаганидек, бирорта бола “мен етим ёки ноғиронман” деб ўқсимаслиги, ҳеч бир бола давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва меҳридан четда қолмаслиги керак. Бўнинг учун уларни энг замонавий касб-хунарга ўқитиш, билим олишига барча шaroитларни яратиб бeриш барчанис учун нафақат вазифа, балки муқаддас бурчдир.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



БУХОРО ВИЛОЯТИ: ИСЛОҲОТЛАР ШУКУҲИДА

Бухоро азалдан илм-фан маркази бўлган. Бугун ҳам билимли, интилувчан ёшлар кўп. Бухоронинг IT соҳаси бўйича брендини яратиш керак. Бунинг учун барча нарсa – шароит, ресурс, интеллект бор.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Ботир ЗАРИПОВ,
Бухоро вилояти ҳокими**

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда янги Ўй-ғошиш даврини яратиш йўлида жадаллик билан кечаётган ислохотлар туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш, жамиятда очиклик-ошкоралик муҳитини кучайтириш, ҳар бир ислохот ва янгиланишни халқимиз билан бамаслаҳат амалга ошириш, ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларнинг ҳусусиятидан келиб чиқиб, янги “ўсиш нуқталари”ни топиш ҳисобига халқ фаровонлигини юксалтириш устувор мақсад этиб белгиланди.

Бу йўналишда вилоятимизда ҳам натижалар ижобий. Агар бунчи рақамлар билан инфодалайдиган бўлсак, жорий йилнинг январь-май ойларига ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўсиш 112,3 фоизни, қурилиш-пудрат ишлари бўйича 110,4 фоизни ташкил этди. Чакана савдо айланмаси ҳажми 4,9 триллион сўмини ва ўсиш суръати 104 фоиз, жами хизматлар ҳажми 4,6 триллион сўм ёки ўсиш суръати 124,4 фоиз бўлгани ҳам иқтисодиётимизнинг ўзига хос одимларидан дараж беради.

Бугунги кунда халқ билан мулоқот, аҳоли дарди ва муаммоларини манзилли ўрганиш, уларни тизимли ҳал этиш Президентимиз юриётгадан ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўсиш 112,3 фоизни, қурилиш-пудрат ишлари бўйича 110,4 фоизни ташкил этди. Чакана савдо айланмаси ҳажми 4,9 триллион сўмини ва ўсиш суръати 104 фоиз, жами хизматлар ҳажми 4,6 триллион сўм ёки ўсиш суръати 124,4 фоиз бўлгани ҳам иқтисодиётимизнинг ўзига хос одимларидан дараж беради.

Камбағаллик муаммосининг оқилона ечими

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан камбағалликни қисқартириш учун комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этиш орқали халқимиз турмуши фаровонлигини ошириш, иқтисодий юксалишга эришиш масаласига устувор аҳамият қаратишмоқда. Шу мақсадда ишсиз аҳолини, жумладан, ёшларни бозорда талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун субсидиялар бериш чоралари қўрилмоқда, деҳқончилик билан шугулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдони ажратилмоқда.

Вилоятимизда ҳам бу йўналишда ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ҳар бир маҳалла хатловдан ўқазилиб, кам таъминланган оилалар “Темир дафтар”га киритилди. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, вилоятда 43 818 ахтиёжманд оиладаги 169 246 фуқаро “Темир дафтар”га киритилган бўлиб, уларнинг 48 146 таси меҳнатга лаёқатли, аммо ишсиз. Ушбу фуқаролар бандлиги таъминланиши билан асосий қисми камбағаллар рўйхатидан чиқарилди.

Ҳозирги кунда “Темир дафтар”нинг янгиланган рўйхатида 2207 оиланинг 6718 нафар камбағал аъзоси мавжуд. Уларни муҳим иш ўрни билан таъминлаб, рўйхатдан чиқариш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ўз хонадонда тadbirkorlik фаолиятини ташкил этиши учун “Саховат ва кўмак” жамғармаси ва саховатпеша ҳомиёлар маблағлари ҳисобидан 1294 оиллага 1,5 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг даромад манбаи яратилди. Шу билан бирга, ҳудудий сектор раҳбарлари томонидан жорий йил охирига қадар 1054 та ахтиёжманд оиланинг даромад манбаи шакллантирилиб, “Темир дафтар”дан чиқарилиши ҳамда 1153 та оилани моддий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Ғалладан бўшаган майдонлар ишсиз аҳолига берилмоқда

Вилоятимизда бугунги кунда 4883 та фермер хўжалиги ва 24 та кластер корхонаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирмоқда. Жумладан, экспорт салоҳиятини ошириш, йил давомида бир маромда сабзавот етиштириш мақсадида 646 та фермер хўжалиги ва тadbirkorlik субъекти томонидан 875 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар ташкил этилди. 2020 йилда 24 триллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, 101,6 фоиз ўсишга эришилди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши 46,4 фоизни ташкил этди.

Президентимизнинг 2021 йил 8 июнь кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берган топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда ғалладан бўшаган майдонларга 51 116 гектар такоррий экин экиш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун 140 минг ишсиз аҳолига ер бериш, экспортни кўпайтириш ва ички бозорни арзон маҳсулот билан тўлдирish бўйича аниқ ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилди. Такоррий экинларни ўз вақтида экиб тугатиш бўйича режа тасдиқланди. Шунингдек, аҳоли даромадини ошириш мақсадида режадаги 140 минг аҳолидан 70 150 нафарига ер майдонлари ажратилиб, такоррий экин экиш ишлари амалга оширилди. Бу жараён давом этмоқда.

Кичик саноат зоналари — янги “ўсиш нуқталари”

Тadbirkorlik субъектлари фаолиятини кенгайтиришда кичик саноат зоналарининг ўрни жуда муҳим. Бухоро вилоятининг 13 та шаҳар ва туманида 28 та кичик саноат зонаси ташкил этилган. Ушбу саноат зоналарида умумий қиймати 1020,0 миллиард сўмлик инвестиция қилинган эвазига 6 мингта янги иш ўрни яратиш шарти билан 217 та тadbirkorlik субъектига бўш ер майдонлари ажратилган. Ҳозирги кунда лойиҳаларнинг 68 таси ишга туширилиши натижасида 874 та янги иш ўрни пайдо бўлди. Жорий йил якунига қадар 17 та кичик саноат зонаси муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланади.

Ана шундай тadbirkorlik натижасида вилоятда кичик бизнес субъектлари фаолияти ҳам йил сайин кенгаймоқда. Бугунги кунда вилоятда 26 минг 108 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатади. Эътиборлиси, уларнинг 15 106 таси ёки 58 фоизни сўнгги 3 йилда ташкил қилинди.

Жорий йилнинг январь-май ойларида 2631 та тadbirkorlik субъекти ва 4383 янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек,

ҳудудларда жорий йил якунига қадар 4369 та янги тadbirkorlik субъектини ташкил этиш режалаштирилган. Бундай чора-тadbirkorlik аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестициялар — тараққийёт кафолати

Вилоятни 2021-2022 йилларда ривожлантириш ҳудудий дастурига мувофиқ, умумий қиймати 19,2 триллион сўмга тенг 713 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши ҳисобига 23 минг 718 янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Жорий йил январь-июнь ойларида қиймати 1,1 триллион сўм бўлган 230 та лойиҳа ишга туширилиб, 2230 та янги иш ўрни очилди. Жумладан, Ёғдўвон туманида “Парвоз Ҳумо Равнақ Транс” МЧЖ негизда амалга оширилган лойиҳа ҳисобига 260 та янги иш ўрни яратилди. Когон туманида “Қумушкент текс” МЧЖ негизда қиймати 32,8 миллиард сўмлик енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси 70 та янги иш ўрни очилишига олиб келди.

Шу билан бирга, дастур доирасида 9 ой якуни бўйича қиймати 2,2 триллион сўмга тенг бўлган 261 та лойиҳа ишга туширилиб, 5900 та янги иш ўрни барпо этилади. Йил охирига қадар эса қиймати 7 триллион сўмлик 713 та лойиҳа иш бошлаши ортидан яна 15 мингта янги янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ, вилоятимизда жорий йилда 37 та лойиҳа доирасида жами 248 миллион долларга тенг тургидан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилиниши белгиланган. Табиийки, бундай чора-тadbirkorlik туфайли ишлаб чиқариш тармоғи кенгайиши бораберида экспорт ҳажми ҳам ошмоқда. Хусусан, 2021 йилда вилоятимизда жами 163,6 миллион долларлик экспорт прогнози белгиланган. Шундан 131,9 миллион долларлик саноат маҳсулотлари, 31,7 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бажарилиши кўзда тутилган. Экспорт фаолиятига 45 дан ортиқ янги корхона жалб этилди, Малайзия, Сингапур ва Португалиядан янги бозорлар ўзлаштирилди.

Обод манзилларда бахтли ҳаёт шукуҳи

Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тadbirkorlik тўғрисида”ги қарори асосида жорий йилда вилоятимиздаги 476 та маҳалла фуқаролар йиғинида жами 1 триллион 361 миллиард сўм, жумладан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 333,6 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Шундан республика ва маҳаллий бюджетдан 56,3 миллиард сўм, тармоқ корхоналаридан 19,7 миллиард сўм, банк кредит маблағларидан 10 миллиард сўм, аҳоли, тadbirkorlik ва ҳоимийлик маблағларидан 67,5 миллиард сўм, ичимлик сув дастури доирасида 81,8 миллиард сўм, ички йўллар дастури доирасида 42 миллиард сўм маблағ ҳисобидан тегишли тadbirkorlik амалга оширилади.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилган ҳудудларда 167,8 километр узунликдаги ички йўлларни тартибга келтириш, 295 километр ичимлик сув, 32,4 километр табиий газ тармоқлари, 11 та ичимлик сув иншооти, 181,1 километрлик электр энергияси тармоғи, 25 та трансформатор, 73 та газ тақсимлаш пунктини таъмирлаш ва модернизация қилиш, шунингдек, ҳудудларда 26 та маҳалла фуқаролар йиғини бинолари, 42 та ижтимоий соҳа обyekтида реконструкция қилиниши ва таъмирлаш ишлари олиб борилади. Ҳозирги кунгача бу йўналишда муайян ишлар бажарилди. Бу чора-тadbirkorlik туфайли қишлоқ ва маҳаллаларимиз янада чирой очмоқда, инфратузилма яхшиланиб, аҳоли учун имкониятлар кенгаётди.



Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида ёшларнинг қадами узилмайдиган, таълим-тарбия, илм-фаннинг замонавий ютуқлари қизғин давларда муҳокама қилинадиган, қувноқ садолар доимо жаранглаб турадиган бир табарруқ гўша бор. Бу — Қоракўл халқаро математика мактаби.

Қоракўл — истеъодлар бешиги

Гарчи шу кунларда таълимда ёзги таътил бўлса-да, бу даргоҳда иш қайнайди. Ўқувчилар устозларнинг “этагини маҳкам тутиб”, улардан илм-фан сирларини янада чуқур ўрганишга ошиқади. Бир гуруҳ ёшлар она тили ва хорижий тиллар бўйича махсус сертификат олиш учун тахсилчи давом эттирмоқда. Яна бир гуруҳи йил бўйи олган билимини амалий тажриба билан бойитиш, ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланиб жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибаси билан танишиш ҳаётида қатъий қарар қабул қилиш, таълим ва илмнинг ҳақиқатини бери келмайдиган устозлар ҳам шогирдлар интилишини ҳаммиса қўллаб-қувватлайди, уларни янги-янги мақсадларга руҳлантиради.

Табиийки, жамоанинг бир мақсадини қўлаб, баҳамжиҳат қилаётган меҳнати ўз маҳсулини бермай қолмайди. Ҳар йили мазкур мактаб битирувчиларининг аксарияти олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинади. Яна бир муҳим жиҳат, мазкур мактаб ўқувчиларининг халқаро ва республика фан олимпиадаларида эришадиган ютуқидир. Охириги 3 йилда ушбу мактаб ўқувчилари орасидан 10 нафар йигит-қиз халқаро, 25 нафари республика фан олимпиадаларида ғолиб ва совриндор бўлди. Уч ўқувчи давлат мукофоти билан тақдирланди. Утган ўқув йилида мактаб битирувчиларининг барчаси олий ўқув юртига ўқишга кирди. Жорий йилда ҳам улардан катта натижалар кутилмоқда.

Қоракўлда мазкур мактаб билан ёнма-ён жойлашган яна бир замонавий маърифат даргоҳи бор. Бу — Бухоро давлат университети ҳузуридаги Қоракўл академик лицейи. Лицейнинг фидойи муаллимлари меҳнати туфайли иқтидорли ўқувчилар дунёнинг ривожланган давлатларида ўтказилаётган қўллаб фан олимпиадаларида ғолиб ва совриндор бўлаётгани, нуфузли дипломлари қўлга киритаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. Ҳозирга қадар лицейнинг 3 минг 114 нафар битирувчиси республика олий ўқув юртиларида, 56 нафари эса хорижий давлатлар университетларида тахсил олган.

“Қоракўлча таълим” усулига асос солган муаллим

Мамлакатимиз таълим тизимида ўз ўрнига эга бўлган ушбу замонавий таълим даргоҳларининг ташкил топиши ва ривожланишида фидойи муаллим, “Эл-юрт ҳурмати”, “Буюк хизматлари учун” орденлари совриндори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, марҳум Тўхтамурод Жумаевнинг хизматлари бекиёс бўлди. Тўхтамурод Жумаев ҳаётининг 50 йилдан зиёдини ёшлар таълим-тарбиясига, пухта билим олишига сарфлади. 1993 йилдан то ҳозирги кунга қадар устоз-ўқитувчи ташаббуси билан очилган таълим муассасасининг 69 нафар ўқувчиси халқаро фан олимпиадаларида медаллар шодасини қўлга киритди. Хусусан, охириги 4 йилда Жумаев асос солган математика мактаби ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларидан юртимизга 20 та олтин, 9 та қумуш ва 9 та бронза медал тақдим этди. Утган 30 йил давомида ўқувчиларнинг олий таълим муассасасига кириш рейтингини доимо юқори бўлиб келмоқда.

Тўхтамурод Жумаевнинг “Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш усуллари”, “Замонавий дарсни ташкил этиш йўллари”, “Мактабда ички назоратни ташкил қилиш” сингари ўқув-методик қўлланмалари республика миқёсида оммалаштирилган. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 сентябрь кўни Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида фидойи муаллим Тўхтамурод Жумаевнинг замонавий таълим тизими ривожига қўшган ҳиссаси, Қоракўл мактабида бугун таълим тизимида эришилаётган натижаларни алоҳида эътироф этиб, бу илғор тажрибани мамлакатимиз бўйлаб кенг тарғиб қилиш, ҳар

бир туманда камида биттадан мана шундай мактаб яратиш ташаббусини илгари сурди. Бу ғояни рўёбга чиқариш учун бугун Қоракўлга юртимизнинг турли ҳудудларидан тажриба ўрганиш ва таълим тизимидаги янгиланган оммалаштириш учун ташриф буюрувчиларнинг қадами узилмайди.

Янги ўқув йилига ҳозирлик қизғин

Бугунги кунда Қоракўл халқаро математика мактабида 460 нафар йигит-қиз жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия олмақда. Уларга 52 нафар малакали педагог сабоқ беради. Мазкур мактаб жамоаси таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида юртимиздаги қатор олий ўқув юртилари, академик лицей ва бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйган.

Замонавий таълим тизимида ёшларнинг билим ва салоҳиятини ошириш учун ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўз устида ишлаш кўникмасини ривожлантириш, доимий изланишга ундаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш салоҳиятини ошириш ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди Қоракўл халқаро математика мактаби директори ўринбосари Ғайрат Қўлиев. — Малакали педагогларимиз зиммасида турган бу масъулиятни яхши англайди ва ўз устида тинимсиз изланади. Республикаимизда ва тараққий этган хорижий мамлакатларда шаклланган илғор тажрибаларни узлуқсиз ўрганиб борамиз. Жумладан, ўқувчиларнинг билимини баҳолаш бўйича халқаро дастурларда иштирок этамиз. Бундан мақсад таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, ёшларга халқаро андозалар бўйича замонавий таълим бериш, билим ва иқтидорини рўёбга чиқаришга кўмаклаштириш.

Қоракўл туманида таълим тизимида тўпланган бундай илғор тажрибалар нафақат давлат таълим муассасалари, балки хусусий таълим ривожига ҳам ижобий таъсир этмоқда. Маълумотларга кўра, туманда йигирмадан зиёд ўқув курси фаолият қоритмоқда. Таълим тизимидаги бундай ютуқлар туфайли аниқ фанлар қаторида бошқа йўналишлар ҳам ривожланибди. Бу даргоҳларда таълим олаётган ёшлар дилига эзгу ниятларни туғиб, маррани баланд олган ҳолда юксак чўққиларга талпинаётди. Ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Қувонарлиси, бугунги ёшларимиз нафақат мамлакатимиздаги, балки дунёда етакчи ўринда турадиган хорижий университет ва институтлар талабаси бўлишга интилади. Шу мақсадда ажратилаётган грант ва бошқа имтиёزلардан унумли фойдаланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Ахборот технологиялари бўйича етук мутахассис бўлимоқчиман, — дейди Қоракўл халқаро математика мактаби ўқувчиси Нодирбек Бешимов. — АҚШнинг Гарвард университетида шу йўналишда ўқиш ниятидаман. Зеро, келажакда бу соҳа жамиятининг барча йўналишларида устуворлик касб этади. Шу мақсадда аниқ фанлар қаторида гуманитар фанлар ва хорижий тилларни чуқур ўрганаёман. Ниятим — малакали мутахассис бўлиб, юртимиз ривожига муносиб улуш қўшиш.

Бугун Қоракўлда ана шундай эзгу ниятларни дилига туғиб, ўқиб-изланаётган ёшлар кўп. Уларнинг интилиш ва иқтидорини юзага чиқариш учун эса давлатимиз томонидан имкониятлар йил сайин кенгайтирилмоқда. Жумладан, Қоракўл халқаро математика мактаби янги ўқув йилини янги, замонавий бинода бошлайди. Шу мақсадда аввалги Қоракўл саноат ва транспорт коллежи биноси тўбдан реконструкция қилиниб, ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланмоқда. Шу билан бирга, янги ўқув йилига ҳозирданок қизғин тараддуд қўрилади.

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА



ЯНГИЛАНАЁТГАН ОБОД ВА ТАБАРРУК ЗАМИН

Ғиждувон туманининг “Қўрғон” маҳалласи юртимизнинг очик осмон остидаги тарихий масканларидан саналади. Бу ерда XVI асрда барпо этилган ҳаммом, XIX асрга оид масжидлар сақланиб қолган. Бухоронинг машҳур етти пирларидан бири – Абдухалиқ Ғиждувоний қадамжоси ҳам шу маҳалла худудидида жойлашган.

Тарих ва замонавийлик уйғунлашган масканлар жозибаси

Маҳалла ана шундай тарихий обидалари билан бирга қўлоқчилик, каштачилик каби миллий ҳунармандчилик анъаналарини замонлар оша асраб, ажодлардан авлодларга ўтказиб келаётган замин сифатида ҳам юртимизда ва хорижда донг таратган. Бу ерда машҳур қўлоқлар сулоласининг вакиллари умргузаронлик қилиб, ота-боболари касбини муносиб давом эттирмакда.

Бу йил 93 ёшни қаршилаган Муставашира Баракаева улардан бири. Онахон умр йўлдоши, моҳир қўлоқ Ибодулло Нарзуллаев билан 11 нафар фарзандни вояга етказган.

Биз маҳалла ҳаёти билан танишувни Муставашира момо хонадонидан бошладик. Табарруқ ёшдаги онахон бизга пешвоз чиқиб, илиқ қарши олди. Миллий қадриятларимизни тарғиб этиш борасидаги ишларга ривож тилаб, дуо қилди.

— Бу ҳунарларни бугунги кунгача етказиш учун Ибодулло отангиз билан бошимиздан кўп оғир синовларни ўтказганмиз, — деди момо. — Собик мафкура ҳукмронлиги даврида қўллаб қадриятларимиз каби миллий ҳунармандчилик анъаналарига ҳам тақиқ қўйилди. Бобонгиз раҳматли яширинча ишларди, мен момоларимиздан мерос кашталарни кўп қорачиғдай асраб, кечалари ўзим ҳам кашта тикардим. Бугунги замонларга етказганимга шукр. Миллий қадриятларимизни эмин-эркин давом эттиряпмиз. Буни кўриб кучимга куч, умримга умр қўшилади.

Момонинг икки ўғли — Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар ҳам ота-онаси каби моҳир ҳунарманд. Биз Абдулла аканинг уй-музейида бўлдик.

Миллий анъаналаримизга мос барпо этилган хонадонга кириб борар эканмиз, бу ерда оила аъзолари қаторида қўлоқчилик, каштачилик билан шуғулланаётган ҳунармандларни учратдик. Уй-музейда қўлоқчилик устахонаси, гилам тўқиш цехи, ипак ипни рангларга бўйядиган ва кашта тикиш учун дастгоҳлар ўрнатилган. Бундан ташқари, иккита катта залда миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари музейи ва кўргазмаси ташкил этилган. Унда

қўлоқчилик тарихи ва бугунги мактаблар фаолиятига оид қимматбаҳо маълумотлар жамланган, моҳир чеварлар тиккан каштачилик маҳсулотлари, гиламлар, адрас матолардан миллий либослар намойиш этилмокда.

Хонадонга ташриф буюрган сайёҳлар музейи ва кўргазмани томоша қилиш баробарида, ўз кўли билан кашта тикиши, гилам тўқиши ёки қўлоқлар дастгоҳида ашёларни ясаши мумкин. Уй-музейида сайёҳлар учун меҳмонхона ҳам барпо этилган. Хонадон соҳибларининг айтишича, пандемиядан илгари бу ерга кунига юзлаб хорижий сайёҳлар ташриф буюрар ва бир неча кун меҳмон бўлар экан.

— Ғиждувон қўлоқчилик мактаби ўзига хос услуби билан ажралиб туради, — дейди Абдулла Нарзуллаев. — Бу жараёнда юзга яқин элементлардан, олтимишга яқин шакллардан фойдаланамиз. Заминимиздан олинган тупроққа ишлов бериб, ун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган жараён қўлоқдан катта маҳорат, сабр, ирода, билим, тафаккур талаб этади. Шу

боис, бу касбни ўрганиш учун келган ёшларнинг шуғурига, аввало, ана шу ҳислатларни жо қилиш, тарихимизга эҳтиром туйғусини синдиришга ҳаракат қиламиз. Зеро, бу миллий қадриятларимиз ота-бобларимизнинг ана шундай савий-ҳаракати, шижоати ва фидойилиги тўғрисида бугунги кунгача етиб келган.

Юртимизнинг қўллаб ҳудудлари каби Бухоро вилоятида ҳам қадриятларимиз эъзозлаб келинаётган бундай тарих ва замонавийлик уйғунлашган ҳудудлар, муқаддас қадамжолар кўп. Шундай обидаларни асраб-авайлаш ва келажақ авлодларга асл ҳолича етиб боришини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмокда.

Президентимизнинг 2021 йил 9 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмокда.

— Мазкур фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш,

сайёҳларга кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштириш мақсадида Ғиждувон туманининг “Қўрғон” ва “Чорсу”, Бухоро туманининг “Чорбак” маҳаллаларида, Вобкент туманининг Ширин, Пешку туманининг Афсона қишлоқларида туризм маскани ташкил этиш ишлари олиб борилмокда, — дейди Бухоро вилояти Туризм ва спорт бош қармаси бўлим бошлиғи Бобур Тўхсанов. — Биргина Ширин қишлоғида этнотуризм, балиқчилик ва ҳунармандчилик марказлари, оилавий меҳмон уйлари ишга тушиши билан 250 янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида “Folk And Art” МЧЖ Ғиждувон туманида туристик йўналишга қиритилмаган қадимий “Ғиждувон Қўрғони” ҳамда тумандаги бошқа туризм объектлари бўйлаб 2 кунлик саёҳат маршрути ишлаб чиқди. Пировардида, шу кунларда “Қўрғон” маҳалласида унга яқин меҳмон уйлари, уй-музейлар ташкил этилмокда.

Бухоро вилоятида зиёрат туризми салоҳияти юқорилиги инобатга олиниб, хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан бў йўналишда ҳамкорликни кенгайтириш, авиақатновларни мунтазам йўлга қўйиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмокда. Бундан ташқари, Бухорода халқаро азон мусобақаси, “Тасаввуф оҳанглари” фестивали, қатор танловлар ва форумлар ўтказиш режалаштирилган.

Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласида Бухоро туризм техникуми ва Франциянинг Руан университети ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Вилоят миқёсида жами 50 та янги меҳмонхона ва Бухоро шаҳрига туташган магистрал йўллар бўйлаб 9 та мотель барпо қилиш учун ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Олот туманида 12 гектар худудни қамраб олган тузли сув ҳавзасида тиббиёт туризми кластерини ташкил этиш бўйича ташаббускор инвестор жалб қилинди. Хозир иш қизғин паллада.

Бир сўз билан айтганда, туризмни иқтисодий тизимнинг муҳим тармоғига айлантириш борасида барча савий-ҳаракатлар ишга солинмокда. Бу чора-тадбирлар нафақат иқтисодий фойда олиш, балки юртимизнинг бой тарихини жаҳон бўйлаб тарғиб этиш, миллий қадрият ва анъаналаримиз давомийлигини таъминлашда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”



Йигит-қизлар учун бахтли ҳаёт саҳифасини очмокда

Инсон ҳамиша орзу-умид билан яшайди. Айниқса, билдада куч-ғайрат, шижоат жўш урган ёшлик палласида орзу-ниятларнинг чек-чегараси бўлмайдми. Аммо бундай интилиш ва истаклар ўз-ўзидан ижобат бўлиши ҳам мушкул. Бунинг учун ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни эзгу мақсадларга руҳлантириш зарур.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан қўритилаётган “Ёшлар дафтари” аини шу мақсадга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. Бу имкониятдан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз катта ютуқларга эришмокда. Бухоролик ёш тадбиркор Моҳинур Субҳонов шундай замондошларимиздан бири.

Моҳинур бундан 12 йил аввал ўрта мактабни тугатган, тикувчи аёлларга шоғирд тушиб, касб-ҳунар ўрганган ва муайян муддат ўзи ҳам тикув цехи очиб иш юртган. Бироқ тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имконият ва рағбат бўлмагани тўғрисида ишнинг давом эттира олмаган эди. “Ёшлар дафтари” ташкил этилганини, шу орқали ёшларга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредит берилаётганини эшитган, ҳеч иккиланмай маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилди. Маҳаллада унли илиқ кутиб олиб, иш фаолиятини йўлга қўйиш учун барча имкониятлари яратиб берилди.

Таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмокда. Шу мақсадда вилоятда ҳафтанинг сешанба кунини — ёшлар бандлиги, жума — уларнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш билан шуғулланиш кунини этиб белгиланган.

Шу кунларда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш бўйича ташкил этилган вилоят штабиди иш ҳар қачонгидан қизгин. Бу ерда вилоятдаги турли идора-ташқиотлардан жамланган мутахассислар “Ёшлар дастури” доирасидаги ишларни мунтазам мониторинг қилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларнинг ўз вақтида ечимини топиш чораларини излайди. Шунингдек, “Ёшлар дафтари” доирасида амалга оширилаётган ишлар узлуксиз таҳлил қилиб борилади.

— Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, ер ажратиш, бозорда талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, тартибли ва хавфсиз миграция тизимини йўлга қўйиш, 1+1 пойҳаси доирасида ҳунарманд ва тадбиркорларга ёшларни бириктириш борасидаги ишлар натижасида “Ёшлар дафтари”га кирган йигит-қизларнинг қарийб 90 фоизи бугунги кунда дафтардан чиқди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиғи Бухоро вилоят бошқармаси мутахассиси Достон Низоов. — Хусусан, 4 мингдан ортиғи тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олди. Натижада улар тенгдошлари бандлигини таъминлашга ҳам қўмақлашмокда.

— Тадбиркор бўлишни болалигимдан орзу қилганман, — дейди вобкентлик Сора Иброҳимова. — Бироқ бу орузим рўёбга чиқишига асло қўшим етмасди. Сабаби, бундай иш бошлаш учун катта маблағ керак бўларди. Бизнинг оиламизда эса бунга имкон йўқ эди. “Ёшлар дафтари” қўритилаётгани, ишсиз юрган қўллаб тенгдошларим ундан фойдаланиб тадбиркорга айланаётганини кўриб, орзуларим рўёбга чиқадиган давр келганига ишонч ҳосил қилдим. Маҳалламизга мурожаат қилишим билан менга барча имкониятлар яратиб берилди. Ҳозирда 30 миллион сўм кредит эвазига паррандачиликни йўлга қўйдим. Етиштиряётган маҳсулотимиз яқин атрофдаги савдо нуқталарида сотиляпти. Ҳам оиламга, ҳам халқимизга фойдам тегаётганидан беҳад мамнунман.

“Ёшлар дафтари” йигит-қизлар учун ана шундай катта имкониятлар эшигини очмокда. Бундан оқилона фойдаланаётган ёшлар эса оиласига ва жамиятга фойдаси тегадиган моҳир тадбиркор ва ишбилармонга, жамиятдаги ислохотларнинг фаол ҳаракатлантирувчи кучига айланмокда.

ИННОВАЦИЯЛАР

ҳудудлар ривожига, турмуш фаровонлигига хизмат қилади

Мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар қўрилмокда.

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Фармонга мувофиқ, юртимизда инновацион худудга айлантириладиган туманлар белгиланган. Улар қаторида Бухоро вилоятининг Ромитан тумани ҳам бор.

Ромитан вилоятининг саноат ривожланаётган худудларидан бири. Туман иқтисодийёти тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати, зиёрат, экотуризм, иссиқхоналар фаолиятини ташкил этишга ихтисослашган. Аҳолиси 143 минг нафардан кўпроқ бўлган мазкур туманда иккита йirik саноат корхонаси, 12 та қўшма, 316 та кичик саноат корхонаси, 162 та кичик бизнес субъекти, 773 та фермер ҳўжалиғи фаолият юратяпти.

Туманининг ўзига хос салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий-иқтисо-

дий ислохотларни янада жадаллаштириш Бухоро вилояти ҳокими ва инновацион ривожланиш вазири Ромитан тумани инновацион ривожланаётган худудга айлантириш бўйича 2021–2022-йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини имзолади. Ушбу дастур бўйича туманда саноат, ижтимоий соҳа, қишлоқ ҳўжалиғи ва коммунал хизмат йўналишларида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, худуддаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда 15 та инновацион лойиҳани жорий этиш кўзда тутилган.

Бу жараён бугун қизгин давом этмокда. Шу кунларда гранулали омикта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси тумандаги “Ғаффоробод” фермер ҳўжалиғи билан ҳамкорликда бажарилмокда.

Бухоро вилоятига ижодий сафаримиз давомида мазкур фермер ҳўжалиғи фаолияти билан танишдик. Фермер ҳўжалиғи, асосан, чорвачиликка ихтисослашган

бўлиб, чорва мажмуасида хориждан келтирилган 300 бошдан кўпроқ насли қорамол парваришланмокда. Ун ишчи доимий, йиғирма ишчи мавсумий ишларга жалб этилган. Кунига 1,5 тонна сут, гўшт, пиллоқ етиштирилмокда.

Фермер ҳўжалиғи раҳбари — 30 ёшли Азамат Ғафоров кўш олий маълумотли. У Бухоро муҳандислик-технология институтини ва Бухоро давлат университети иқтисодийёт факультетида таҳсил олган. Ишнинг кўзини биладиган ёш фермер бугунги эришилган ютуқлар билан чеklangмай, ҳўжалиғи фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳисобига аҳоли ва ёшлар бандлигини таъминлашга ўз улушини қўйиш учун доимо изланишда. Шу мақсадда олимлар ва инновация соҳаси мутахассислари билан ҳамкорликда чорва учун гранулаланган ем ишлаб чиқариш цехини барпо этишга киришган.

— Бу инновацион лойиҳамиз самарасида чорва маҳсулдорлиғи 0,3 марта

ошади, чорва озукасидан фойдаланишда тежамакорликка эришилади, — дейди А.Ғафоров. — Ишлаб чиқариш рентабеллиғи 9–12 фоизни ташкил этади. Омикта ем таннархи пасайишига олиб келадиган лойиҳа мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бизда амалга оширилмокда.

Бундан ташқари, туманда замонавий препаратлардан фойдаланиб, тупроқ шўрини ювиш орқали ҳосилдорлигини ошириш, тўқимачилик ва пардозлаш корхоналарида ҳосил бўладиган оқова сувни кимёвий усулда тозалаш технологиясини жорий этиш, шунингдек, ортопедик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, туман марказий шифохонасида аллергияга қарши гул чанги қолқонини ўрнатиш, аллергия кўзгатувлари маълумотлар базасини яратиш, чекка худудларда кичик қувватли шамол энергияси қурилмасини тажриба сифатида ўрнатиш билан боғлиқ лойиҳалар амалга оширилмокда.

Замонавий илм-фаннинг илгор ютуқларига асосланган бундай лойиҳалар худудларнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, энг муҳими, халқимиз турмуши фаровонлигини янада юксалтиришда яхши самара беради.

Қўшсаҳифани “Янги Ўзбекистон” муҳбири Баҳор ХИДИРОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Ҳаким Йўлдошев.



БАҒРИКЕНГЛИК

“Мен эркакман, мен отаман”, деб бош кўтариб юрган баъзи бировлар ҳаётнинг қийинчиликларига дош беролмай оиласини ташлаб аллақайлардадир “қарға қуш” бўлиб сайр этиб юрган бугунги замонда Чирчиқ шаҳрида ўнта қизни асраб олган ота яшайди. “Мен мусулмонман, белимда белбоғим бор, камарим бор”, деб даъво қилаётган, аммо, аслида ташлаб кетган оиласидаги болаларига алимент тўлашга келганда ишлаб топаётган даромадини қизғаниб, меҳнат дафтарчасини бир қорхонанинг энг кам иш ҳақи тўланадиган штатига – қоровулликка, боғбонликка топшириб қўйганлар ҳам яшайдиган замонамизда ўнта қизни асраб, кўзидаги ёшини артаётган ота яшайди.



ЎНТА ҚИЗНИ АСРАБ ОЛГАН ОТА

“Жаннатга етакловчи фаришталарим”

“Бу бола меники эмас”, деб ДНК текширувидан сўнг бола 100 фоиз ўзиники эканини исботлаган тиббий хулосани қўлига ушлаб туриб ҳам айёр тулкининг кўзларидек кўзи йилтиллаб турган “ота”лар бор заминда ўнта қизига — жаннатга етакловчи фаришталарим деб қаровчи валий неъмат яшайди.

Ҳа, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри “Шодлик” маҳалласида истиқомат қилаётган Рустам ака Игамуратов ана шундай ОТА.

Ўнта қизни тарбиялашдек нозик ишни бўйнига олишининг ўзи бўладими? Яна у қизларнинг миллати ҳар хил бўлса. Ёўдаклигиданоқ тақдир зарбасига учраб, ота-онасидан етим қолган ёки ярим етим қолган қизлар бўлса-чи?

Улар ҳали вояга етмаган, ҳаёт деган довонинг тошли, тиканли йўлларида юриб кўрмаган бўлса-чи?

Одамзод учун энг мушкул вазифа бола тарбиясидир. Бола тарбияси ҳам иккига бўлинади: яъни ўғил бола ва қиз бола тарбияси. Ўғил бола тарбияси ҳам оғир, аммо қиз бола тарбиясида ундан-да масъулият кўпроқ.

“Қиз боланинг ҳатто уйқуси ҳам тарбияли бўлиши керак”, дер эдилар момоларимиз. Илгари бу сўзнинг маъносини тушунмас эдим. Энди эса бу сўзлар замирида улкан ахлоқий тарбия мавжудлигини англадим. Бу дегани — қиз бола тўғри келган жойда ухлаб қолавериши мумкин эмас. Қиз бола кийикдек ҳушёр туриши керак, дегани экан.

Чарчаган, толиққан ўғил болага ҳамма жойда бир пас мизгиб, ухлаб олиш мумкин экан. Масалан, пахта даласининг шийпониди, богдаги дарахларнинг соясида, чўпон бола бўлса отнинг устида, тракторчи бўлса тракторни тўхтатиб, ариқ четигада тутлар тагида. Қиз болага эса бу мумкин эмас. У толиққан бўлса ҳам чидаши керак. Ўйга келганда ҳам ҳеч кимнинг қўзи тушмайдиган хонада — ўзининг хобихида ухлаши мумкин. “Қиз бола шундай беғуборки, унга инс-жинс тегиши мумкин”, деб оғохлантирар эди кексаларимиз.

Қиз тарбияси гул тарбиясидан-да оғирроқ. Оламда икки кишининг фароғати бўлмайди экан, биринчиси қизи борнинг, иккинчиси оти борнинг. Чунки ҳар иккисининг орзуаманди, хуштори кўп бўлади.

Янги Ўзбекистоннинг янги оиласи

Биз Рустам ака ва Гулнора опада “Нега тарбиянгизга фақат қизларни олгансизлар?” деб сўрадик. Улар шундай деб жавоб берди:

— Аввало, шароитимиз кичикроқ. Ўғил болалар учун ётоқхона, ювиниш хонаси, ҳожатхоналар алоҳида бўлиши шарт. Бундан ташқари, тарбиячилар, педагог-психологлар ҳам алоҳида бўлиши керак. Бу имкониятлар ҳозирча бизда йўқ. Қолаверса, қиз болалар кўпроқ таъсирчан бўлади. Тақдир зарбасидан қаттиқ эзилади ва кўпчиликка қўшилиши қийинлашиб, руҳиятида одамовилик пайдо бўлиши мумкин. Биз қизларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратамиз. Бири тунда кўрадиган, бехосдан чинқириб юборадиган бўлса, бошқаси тушида босинқираб йўғлаб қолади. Масалан, иккита кичкина қизимизда кечки энурез касаллиги аниқланган. Биттасида қўришнинг заифлашаётгани, яна биттасида ғайалик бор. Бу камчиликлардан улар тушунлиққа тушиб қолмаслиги учун алоҳида эътиборли бўламиз. Тиббиёт ходимлари билан биргаликда даволаш ишларини олиб борамиз. Улар орасида онаси вафот этганлари бор. Соғинч хоссини енгилда уларга оилавий бўлиб ёрдам қўрсатамиз. Янги келганлар оиламизга қўшилиб кетгунча барча ғамхўрлик қилади. Катта қизлар кичик қизларга қўмакчи.

Бизнинг мақсадимиз бу қизларни мустақил ҳаётга тўғри тайёрлаш. Камолга етганда келадиган совчилар уларнинг қандайлигини биздан сўрайди, маҳалладан сўрайди. “Тўққан эмас, боққан она”, деган гап бор. Уларни мусулмонлик урф-одатлари билан тарбияляпмиз. Розилиги билан мусулмонча исм берапмиз. Мана яқинда Карина исмли қизимизни ўзининг илтимосига кўра, Қумуш деб атадик. Бирининг ота-онаси ичувчи, чекувчи ёки қамоқда, бошқасиники вафот этганини биламиз. Аммо бу ҳақда қизлар билан гаплашмаймиз. Катта бўлганида билиб олади, хулоса қилади. Улар энди бизнинг қизларимиз. Уларни бутун маҳалла “Рустам аканинг қизлари” дейди.

Ҳа, Рустам аканинг ўнта қизи бор. Нақадар ёқимли гап.



Зулфия МҲМИНОВА, шоира

“Кел, болалар асраб оламиз”

Рустам ака ва Гулнора опанинг иккита ўғли бор эди. Катта ўғли Руслан ҳарбий бўлиб ишлаб, нафақага чиқди, оилали, иккита фарзанди бор. Иккинчи ўғли эса талабалик пайти қутилмаганда вафот этди. Фарзанд доғи Гулнора опани эзиб ташлади. Унинг азобларига чора тополмаётган турмуш ўртоғи Рустам ака аёлига, “Кел болалар асраб оламиз. Уларнинг хурсандчилигини кўриб, зора қайгулар унутилса”, деди. Гулнора опанинг кўзларида миннатдорлик учкунлари пайдо бўлди. Чунки у Игамуратовлар оиласига келин бўлиб келганда ҳам қайнотаси ва қайнонаси етим болаларни асраб олиб худди ўз боласидек тарбиялаб, сўнгра мустақил ҳаётга кузатганини яхши эслайди.

Шундай қилиб улар “Янги ҳаёт” номидаги “Оилавий болалар уйи”га асос солди. Болалар уйи раҳбарининг ёши 55 дан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда директорлики олий маълумотли, оилали, узок йиллар ҳарбий бўлиб ишлаган ўғли Руслан Игамуратов номига ҳужжатлаштиришга қелишди. Русланинг турмуш ўртоғи Лилия Игамуратова шу шаҳардаги 7-сонли музика ва санъат мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Рустам ака, Гулнора опа ва келини Лилия тарбиячи бўлиб ишлашга аҳд қилди.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан Истиклол кўчаси 2-уй, 10-хонадонда яшовчи Руслан Игамуратовнинг “Оилавий болалар уйи”ни ташкил қилиш тўғрисидаги мурожаати ўрганиб чиқилди ва рухсат берилди. Ҳар бир тарбияланувчининг таъминоти учун Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун тасдиқланган нормативларга мувофиқ, озик-овқат махсулотлари, кийим-кечак, пойабзал, юмшоқ ўйинчоқлар, шахсий гигиенага, китоблар сотиб олишга, соғломлаштириш, мебель ва зарур жиҳозлар

сотиб олишга ҳамда коммунал харажатлар учун тўловлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ҳисобига амалга оширилади. Йил давомида фойдаланилмаган маблағлар олиб қўйилмайди ва уларни кейинги йилги мақсадлар ва болаларнинг эҳтиёжлари учун ишлатилади.

Ушбу “Оилавий болалар уйи” шаҳар ҳокимининг ҳам уйи десак, тўғри бўлади. Чунки бу хонадон шаҳар раҳбарининг доимий ғамхўрлиги остида.

— Рустам ака ва Гулнора опанинг барча қизлари шахримиздаги 15-умумтаълим мактабда ўқишади, — дейди “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилоромхон опа. — Ўқишлари яхши, ахлоқлари намунали. “Оилавий болалар уйи” тўғрисидаги ҳужжатлар қонунга мувофиқ бўлиши учун Игамуратовлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилганмиз. Номини маҳалламиз фаоллари билан келишиб “Янги ҳаёт” деб атадик. Минг шукр мақсадлар амалга ошди. Ушбу ишга қиришувчимизда давлат томонидан шунча имтиёзлар берилганини ўзимиз ҳам билмаган эдик. Рустам ака ва Гулнора опа эса эзгу ишлари давлат даражасида қўллаб-қувватланаётганидан беҳад мамнун. Оиланинг ўзи ҳам жуда меҳнаткаш. 15 сотих ерида катта боғи бор. Богда юздан ортқ мевали дарахтлар ҳосилга кирган. Қизлар ота-онасига доимий ёрдамчи. Маҳалламизда “Оилавий болалар уйи” қизларининг етим эканини ҳамма унутган. Кийинишлари ҳам миллий урф-одатларимизга мос. Қизларнинг бу хонадонда янги ва бахтли ҳаёти бошлангани чин бўлсин.

Бу хонадонда меҳр, саранжом-саришталик устувор. Уйнинг катта қизлари уйқудан тургач, супур-сидир қилади. Биргаликда жисмоний тарбия машғулотларини бажаради, нонушта қилиниб, кунлик режалар тузилади.

инсонларнинг аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этилган.

Президентимиз “**Бу мамлакатда мен раҳбар эканман, бирорта аёл ҳўрланмайди**”, деди. У кишининг қарори билан 2020-2021 ўқув йилларида олий таълим даргоҳлари контракт асосида ўқишга кирган, аммо кам таъминланган, боқувчисини йўқотган қизларнинг 817 нафарининг тўлов контрактлари давлат ҳисобидан тўлаб берилди.

Кейинги чиқишларида Президентимиз ушбу қарорнинг ижроси ўзини оқласа, кейинги ўқув йилларида бу ёрдамни икки баробар оширишларини таъкидлаб ўтди.

Оналарни улуғлаган, хотин-қизларни ҳўрмат қилган, иззатлаган юрт доим гуллаб-яшнаган, маънавий жиҳатдан юксалган. Аёллар эъзоз топган хонадон эл орасида ҳўрмат, эътибор ва қадр топаверади.



ОДАМИ ЭРСАНГ...

ШУКРОНАЛИК

ёхуда даврон элининг жисмида жон бўлмоқ шарафи



Инсоният пайдо бўлибдики, мудом ўз юмушини осонлаштиришга, бир-бирига қўмак беришга ҳаракат қилиб келган.

Болалигимда “Эраимиздан миллион йил илгари” деган фильмни жуда катта қизиқиш билан ерга ётволиб (*кишлоғимиздаги ёзги кинотеатр томошабинлар билан тўла бўлгани боис, биз, ёш болалар ажриқ устига ётиб томоша қилардик. Бунинг ҳам ўзига яраша гаши бор эди*) томоша қилганмиз. Ҳа, қадимда ҳам ибтидоий одамлар ов қилиш ёки яшаш жараёнларида бир-бирининг мададига суянган, кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб, муаммоларни ҳал қилган.



Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор

Президентимиз ҳозирги мураккаб вазиятда, яъни корона-вирус пандемияси шароитида халқимизнинг соғлиғи ва ҳаёти-ни асраш, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан барқарорлиқни таъминлаш, ватандошларимизнинг ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериш муаммолари хусусида яна қуйидаги фикрларни айтди: “Пандемия даврида халқимиз том маънода қудратли кучга айланди. Бунини “Саховат ва қўмак” умумхалқ ҳаракати яна бир бор намоён этди. Бу эзгу ташаббус ишбилармон ва тadbirkorларни, фидойи ёшларимизни, барча-барча ватандошларимизни олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди.

Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида жуда маъқул, барчанинг кўнглини бирдек кўтарадиган фикрларни билдирган эди: “Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ҳояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда. Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, доғишманд халқимизнинг узокни кура олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқда. Шу нуктага назардан, бизнинг инсоний кадр-қимматимизни, гурур ва шазъимизни, дину дёнёнатиимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик кўни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳаммизга энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади”.

Ўтган йили бутун дунё ахли пандемия туйғули таҳлиққа тушиб қолганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ана шу давларда ҳам юртдошларимизнинг бир-бирига қўрсатган инсонпарварлик ёрдами ва ўзаро ишончини кўриб қанчалар ғурурландик. Айниқса, қўни-қўшничилик муносабатларидаги кўзга кўринмас ришталар ва илқилик синовли кўнларда ўз кучини қўрсатди. Айни кўнларда савоб умидида касалликдан қийналиб қолган оилаларга ёрдам бераётган юртдошларимиз кўпчилиги барчамизни ҳувонтиради.

Бугун ҳамон миқёсидида нуфузли давраларда мамлакатимиз ҳақида сўз борганида “Янги Ўзбекистон” ибораси бежиз тилга олинаётгани йўқ. Машаққатли кўнларни бошдан кечиршимизга қарамай, кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйдик, залворли ютуқларни қўлга киритдик.

Зеро, давлатимиз раҳбари зўр ишонч билан таъкидлаганидек, “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айнаи ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

Президентимиз ҳозирги мураккаб вазиятда, яъни корона-вирус пандемияси шароитида халқимизнинг соғлиғи ва ҳаёти-ни асраш, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан барқарорлиқни таъминлаш, ватандошларимизнинг ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериш муаммолари хусусида яна қуйидаги фикрларни айтди: “Пандемия даврида халқимиз том маънода қудратли кучга айланди. Бунини “Саховат ва қўмак” умумхалқ ҳаракати яна бир бор намоён этди. Бу эзгу ташаббус ишбилармон ва тadbirkorларни, фидойи ёшларимизни, барча-барча ватандошларимизни олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг: **Даврон элининг жисмида жон бўлғил,**

Ҳам жолларига моя дармон бўлғил,

деган сўзлари бугун янада теран маъно билан янграмоқда. Чиндан ҳам, ҳозирги давр ҳар биримизни саховат ва ҳиммат қўрсатиб, хайрли ишларимиз билан эл-юрт дардида дармон бўлишга ундамоқда”.

Айниқса, коронавирус мамлакатимиз тиббиёт тизими учун жиддий синов ҳамда улкан тажриба мактаби бўлди. Қўллаб янги шифохоналар ва карантин зоналари ишга туширилди. Катта миқдорда қўшимча тиббиёт ускуналари ва замонавий тез ёрдам машиналари харид қилинди. Энг илғор хорижий амалиёт ва ўзимизда тўпланган тажриба асосида даволаш усуллари ҳам такомиллаштириб боришмоқда. Коронавирусга қарши курашда туну кун метин ирода билан фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнати муносиб қадрланмоқда. Ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида минглаб беморлар шифо топиб, оиласи бағрига қайтмоқда.

Чет давлатларга меҳнат қилиш ва ўқишга кетиб, пандемия туйғули қийналиб қолган юртдошларимизни ўз уйларига қайтариш, тегишли ёрдам қўрсатиш буйича ҳам катта ишлар амалга оширилди. Қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг бирорта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмади.

Мен нима учун Президентимизнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан иқтибослар келтирмоқдаман? Бунинг сабаби, биринчидан, давлатимиз раҳбари халқимизнинг, айнаи вақтда, мамлакатимизнинг саховатпешалик борасидаги бор имконият ва мақсадларини намоён этмоқда. Иккинчидан, Президентимиз ҳар

бир юртдошларимизнинг соғлиғи борасида астойдил қайғурмоқдаки, бундан пандемия шароитида дунё бўйлаб кезиб юрган ваҳимадан халқимиз кўнгли таскин топади, келажакка ишонч ортида. Бундай психологик ҳолат бугунги кунда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Учинчидан, ҳар бир фуқаронинг соғлиғи, саломатлиги, у ким бўлишидан қатъи назар, Президент учун, давлат учун қадри экани, уларнинг диққат марказида тургани намоён бўлмоқда. Тўртинчидан, буюк Навоий бобомиз “Бадоеъ ул-васат” да тул қилганидек:

Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирини шод айлағай,
Очна борким, Қазба вайрон бўлса, обод айлағай.